

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**359** Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2258*

*(2011 йил 4 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 27-сон, 279-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 370-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2011 йилнинг 1 августидан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб, иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2010 йил 15 декабрдаги 6, 200-Қ/Қ, 104-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини ўзгартириш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2171, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 504-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Фан ва технологияларни  
ривожлантиришни мувофиқлаштириш  
қўмитаси раиси**

**Ш. САЛИХОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 18 август,  
ФТК-06-13/593-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 18 август,  
53-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 18 август,  
54-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва  
технологияларни ривожлантиришни мувофиқ-  
лаштириш қўмитаси, Мехнат ва аҳолини  
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда  
Молия вазирлигининг 2011 йил 18 августда-  
ги ФТК-06-13/593, 53, 54-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги  
233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари  
ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион  
ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда  
қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар  
ходимларининг базавий лавозим маошлари  
МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	<b>Институт директори</b>	
	профессор	884 149
	фан доктори	848 229
	фан номзоди	812 505
2.	<b>Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори</b>	
	профессор	812 505
	фан доктори	783 638
	фан номзоди	748 579
3.	<b>Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири</b>	
	фан доктори ёки профессор	783 638
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	748 579
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	719 906
4.	<b>Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари</b>	
	фан доктори ёки профессор	748 579
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	719 906
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	691 074
5.	<b>Бош илмий ходим</b>	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	748 579
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	719 906
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	691 074

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
6.	<b>Етакчи илмий ходим</b>	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	719 906
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	691 074
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	656 967
7.	<b>Катта илмий ходим</b>	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	656 967
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	623 251
	илмий даражага эга бўлмаган	590 284
8.	<b>Кичик илмий ходим</b>	
	фан номзоди	623 251
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	590 284
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	557 591
9.	<b>Тажриба орттирувчи тадқиқотчи</b>	491 968